

А Ж Р И М

(ярашганлик муносабати билан жиноят ишини тугатиш тўғрисида)

2022 йил июнь ойининг 8 куни жиноят ишлари бўйича Косон туман суди Косон туман Машъал МФЙнинг биносида, очиқ сайёр суд мажлисида, раислик қилувчи – шу суд судяси Ғ.Остонов, У.Отабоевнинг котиблигида, тарафлардан: давлат айбловчиси Косон туман прокурорининг ёрдамчиси О.Мустафоев, айбланувчи Ф.И.Ш, Ф.И.Ш ва уларнинг ҳимоячиси адвокат У.Нурматов, фуқаровий даъвогар Ф.И.Шнинг иштирокида, Ф.И.Ш ва Ф.И.Шга нисбатан [REDACTED]-сонли жиноят ишини кўриб чиқди. Иш ҳужжатларига кўра:

Ф.И.Ш, 1987 йил 2 августда Косон туманида туғилган, ўзбек, Ўзбекистон фуқароси, маълумоти олий, оилали, уч нафар фарзанди бор, муқаддам судланмаган, “Қашқадарё сув таъминоти” МЧЖ Косон туман бўлимига қарашли “Дехқон” сув тарқатиш шахобчасида оператор бўлиб ишлаган, ҳозирда АТБ “Микрокредит банк” Косон филиалида давлат дастурлари бўлимида бош мутахассис бўлиб ишлайди, [REDACTED] да, иш бўйича “муносиб хулқ-атворда бўлиш ҳақидаги тилхат” эҳтиёт чораси қўлланилган,

Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодекси 167-моддасининг 1-қисми билан

Ф.И.Ш, 1989 йил 9 сентябрда Косон туманида туғилган, ўзбек, Ўзбекистон фуқароси, маълумоти олий, оилали, уч нафар фарзанди бор, муқаддам судланмаган, “Қашқадарё сув таъминоти” МЧЖ Косон туман бўлимига қарашли “Дехқон” сув тарқатиш шахобчасида оператор бўлиб ишлайди, [REDACTED] да, иш бўйича “муносиб хулқ-атворда бўлиш ҳақидаги тилхат” эҳтиёт чораси қўлланилган,

Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодекси 167-моддасининг 1-қисми билан айбланган.

Суд айбланувчилар ва фуқаровий даъвогарнинг кўрсатувларини тинглаб, жиноят иши ҳужжатларини ўрганиб чиқиб ва ишда мавжуд бўлган далилларга баҳо бериб, қуйидагиларни

А Н И Қ Л А Д И:

Ф.И.Ш 2020 йил 3 февралдан 2021 йил 1 июлга қадар бўлган вақт давомида №1-2 сонли Дехқон сув тарқатиш шахобчасида машинист оператори – шахобчанинг расмий раҳбари, моддий жавобгар шахс сифатида ишлаб келиб, туман сув таъминоти бўлими билан 2020 йил 1 майда тузилган 54-сонли шартномага кўра таъминотчи - Косон Сувтаъминот бўлимига кўрсатилган сув таъминоти ва сув чиқариш хизматлари учун тўловларни хар ойнинг 23 дан 25 гача бўлган санасига қадар ўз вақтида амалга ошириши лозим бўлсада, шу даврда сотилган ичимлик сувидан тушган пул маблағларидан 78 млн. 417 минг 706 сўмини “Қашқадарё сув таъминоти” МЧЖнинг ҳисоб рақамига топширмасдан,



Ўзининг шахсий эҳтиёжлари учун сарфлаб, ўзганинг 78 млн. 417 минг 706 сўмлик маблағларини ўзлаштириш ва растрата қилиш йўли билан талон-торож қилган.

Ф.И.Ш 2021 йил 1 июлдан ҳозирга қадар бўлган вақт давомида № 1-2 сонли Деҳқон сув тарқатиш шахобчасида машинист оператори – шахобчанинг расмий раҳбари, моддий жавобгар шахс сифатида ишлаб келиб, туман сувтаъминоти бўлими билан 2020 йил 1 майда тузилган 54-сонли шартномага кўра таъминотчи – Косон Сувтаъминот бўлимига кўрсатилган сувтаъминоти ва сув чиқариш хизматлари учун тўловларни хар ойнинг 23 дан 25 гача бўлган санасига қадар ўз вақтида амалга ошириши лозим бўлсада, шу даврда сотилган ичимлик сувидан тушган пул маблағларидан 68 млн. 836 минг 426 сўмини “Қашқадарё сув таъминоти” МЧЖнинг ҳисоб рақамига топширмасдан, ўзининг шахсий эҳтиёжлари учун сарфлаб, ўзганинг 68 млн. 836 минг 426 сўмлик маблағларини ўзлаштириш ва растрата қилиш йўли билан талон-торож қилган.

Судда айбланувчи Ф.И.Ш, Ф.И.Ш ва фуқаровий даъвогар Ф.И.Шлар ариза билан мурожаат қилишиб, жиноят ишини ярашганликлари муносабати билан тугатишни сўрашган.

Айбланувчи Ф.И.Ш судда, ярашув тўғрисидаги аризасини қувватлаб, айбига тўлиқ иқроор эканлиги, қилмишидан пушаймонлиги, содир этган қилмишининг оқибатларини англаганлиги, фуқаровий даъвогарга етказилган зарарларни тўлиқ қоплаганлиги, ундан кечирим сўраганлиги, ҳозирда фуқаровий даъвогар билан бирор-бир тазйиқсиз ярашиб олганлиги ҳақида кўрсатув бериб, жиноят ишини ярашув асосида тугатишни сўради.

Айбланувчи Ф.И.Ш судда, ярашув тўғрисидаги аризасини қувватлаб, айбига тўлиқ иқроор эканлиги, қилмишидан пушаймонлиги, содир этган қилмишининг оқибатларини англаганлиги, фуқаровий даъвогарга етказилган зарарларни тўлиқ қоплаганлиги, ундан кечирим сўраганлиги, ҳозирда фуқаровий даъвогар билан бирор-бир тазйиқсиз ярашиб олганлиги ҳақида кўрсатув бериб, жиноят ишини ярашув асосида тугатишни сўради.

Фуқаровий даъвогар Ф.И.Ш судда, ярашув тўғрисидаги аризасини қувватлаб, айбланувчилар Ф.И.Ш ва Ф.И.Шларга нисбатан ҳеч қандай даъвоси йўқлиги, етказилган зарарлар тўлиқ қопланганлиги, Ф.И.Ш ва Ф.И.Шлар ундан кечирим сўраганлиги, аризани ўз хоҳиши билан ёзганлиги, унга бирор-бир тазйиқ бўлмаганлиги, ярашув суд томонидан тасдиқлангандан кейин келиб чиқадиган ҳуқуқий оқибатларни тушунганлиги ҳақида кўрсатув бериб, жиноят ишини ярашув асосида тугатишни сўради.

Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 66¹-моддасига мувофиқ, ЖК 167-моддасининг 1-қисмида назарда тутилган жиноятни содир этган шахс, агар у ўз айбига иқроор бўлса, жабрланувчи билан ярашса ва етказилган зарарни бартараф этса, ярашилганлиги муносабати билан жиний жавобгарликдан озод этилиши мумкин.

Суд, фуқаровий даъвогар Ф.И.Ш ҳамда айбланувчи Ф.И.Ш ва Ф.И.Шларнинг ярашув тўғрисидаги аризаларини жиноят иши ҳужжатлари билан ўрганиб, Косон туман прокурорининг ёрдамчиси О.Мустафоев, ҳимоячи У.Нурматовнинг жиноят ишини ярашганлик муносабати билан тугатиш ҳақидаги фикрларини эшитиб, Ж.Расулов ва Ф.И.Шларнинг



айбига иқдорлиги ва етказилган зарарларни тўлиқ қоплаганлиги, жабрланувчи ва гумон қилинувчига бирор-бир тазйиқ бўлмаганлиги, ярашув судланувчи ва жабрланувчининг хоҳишлари билан бўлаётганлиги ҳамда Ўзбекистон Республикаси ЖК 167-моддасининг 1-қисмида назарда тутилган жиноят ЖКнинг 66¹-моддасига мувофиқ, ярашувга тушишини инobatга олиб, Б.Каримовга нисбатан юритилган жиноят ишини ярашганлик муносабати билан тугатишни, судланувчи [REDACTED]га нисбатан қўлланилган эҳтиёт чорасини бекор қилишни лозим топди.

Шу билан бирга суд, фуқаровий даъвогар Ф.И.Шга Ўзбекистон Республикаси ЖПК 583-моддасининг 5-қисмига асосан, ушбу ярашув суд томонидан тасдиқлангандан сўнг, улар мазкур иш бўйича иш юритишни қайта тиклаш тўғрисида илтимоснома бериш ҳуқуқини йўқотишларини тушунтиришни лозим топди.

Шунингдек, суд вилоят прокуратурасининг депозит ҳисобда сақланаётган 120.000.000 сўм пулларни “Қашқадарё сув таъминоти” МЧЖнинг тегишли ҳисоб рақамига ўтказишни, ёзма далил 102293/2022-4GN-сонли жиноят иши бўйича 17.05.2022 йилдаги тафтиш далолатномаси ва унга илова ҳужжатларни жиноят иши билан биргаликда сақлашни лозим топди.

Ўзбекистон Республикаси Жиноят-процессуал кодекси 84-моддасининг 4-қисми ва 585-586-моддаларига амал қилиб, суд

А Ж Р И М Қ И Л Д И:

Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодекси 167-моддасининг 1-қисми билан айбланувчи Ф.И.Ш ва Ф.И.Шларга нисбатан жиноят иши ярашилганлиги муносабати билан тугатилсин.

Айбланувчи Ф.И.Ш ва Ф.И.Шларга нисбатан қўлланилган муносиб ҳулқ атворда бўлиш ҳақида тилхат эҳтиёт чоралари бекор қилинсин.

Вилоят прокуратурасининг депозит ҳисобда сақланаётган 120.000.000 сўм пуллар “Қашқадарё сув таъминоти” МЧЖнинг тегишли ҳисоб рақамига ўтказилсин.

Етказилган зарар қопланганлиги қайд қилинсин.

Ёзма далил 102293/2022-4GN-сонли жиноят иши бўйича 17.05.2022 йилдаги тафтиш далолатномаси ва унга илова ҳужжатлар жиноят иши билан биргаликда сақлансин.

Фуқаровий даъвогар Ф.И.Шга мазкур иш бўйича иш юритишни қайта тиклаш юзасидан илтимоснома бериш ҳуқуқи йўқолганлиги тушунтирилсин.

Ажрим устидан йигирма сутка ичида шу суд орқали Қашқадарё вилоят судига апелляция тартибда шикоят берилиши ёки протест билдирилиши мумкин.

Раислик қилувчи

Ғ.Остонов

